



The main tasks of the internal affairs bodies for the early prevention of crimes

Farkhod JURAEV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2021

Received in revised form

30 January 2022

Accepted 20 February 2022

Available online

15 March 2022

Keywords:

internal affairs agencies,
early crime prevention,
progressive approach,
fighting crime.

ABSTRACT

The article substantiates the social need for the internal affairs bodies to organize activities to combat crime on the basis of modern trends, to jointly combat global threats and risks, to study advanced approaches in this direction and to expand the exchange of experience.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2/S-pp197-202>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

SUMMARY

As you know, one of the most important and basic internal functions of each state is to maintain law and order, protect the rights and freedoms of citizens. An important place in the implementation of this function of the state is occupied by internal affairs bodies. Today, the internal affairs bodies are the main guarantors of the protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens, the property of individuals and legal entities, the protection of the constitutional order, the rule of law, the security of the individual, society and the state.

Large-scale work has been carried out in the new Uzbekistan to improve the system of internal affairs bodies. In particular, a lot of work has been done to develop and strengthen the lower level of the internal affairs bodies created to protect public order in mahallas, ensure the safety of citizens, prevent offenses and combat crime. This, in turn, made it possible to increase the efficiency of the internal affairs bodies, ensure a peaceful and peaceful life of citizens, and prevent the growth of crime in our country.

In a State governed by the rule of law, the protection of individual rights and freedoms, as well as the prevention, suppression and investigation of offenses must be carried out by legal means. The all-powerful executive structures of the

¹ Associate Professor of the Department of Special Sciences of the Magistracy of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

state and especially the internal affairs bodies (within their powers) must ensure the rights, freedoms and legitimate interests of citizens, and carry out the function of their protection. A special place among the law enforcement agencies entrusted with the protection of these rights is occupied by the internal affairs bodies.

Organization of crime prevention and crime control activities in the internal affairs bodies based on current trends, joint fight against global threats and risks, study of advanced approaches in this direction and expansion of the exchange of experience. As a result of the consistent reforms carried out in recent years in the system of internal affairs bodies of our country, effective mechanisms for combating crime have been put into practice.

Жиноятларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органларининг асосий вазифалари

Калит сўзлар:

ички ишлар органлари, жиноятларнинг барвақт олдини олиш, илғор ёндашув, жиноятчиликка қарши курашиш.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий тенденциялар асосида ташкил этиш, глобал таҳдид ва хатарларга қарши ҳамкорликда курашиш, мазкур йўналишда илғор ёндашувларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашинувини кенгайтиришнинг ижтимоий зарурати асослаб берилган.

Основные задачи органов внутренних дел по раннему предупреждению преступлений

Ключевые слова:

органы внутренних дел, раннее предупреждение преступности, прогрессивный подход, борьба с преступностью.

АННОТАЦИЯ

В статье обоснована социальная необходимость организации органами внутренних дел деятельности по борьбе с преступностью на основе современных тенденций, совместной борьбы с глобальными угрозами и рисками, изучения передовых подходов в данном направлении и расширения обмена опытом.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг муҳим ва асосий ички функцияларидан бири ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Давлатнинг мазкур функциясининг бажарилишида ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий кафили ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ички ишлар органлари

фаолиятини самардорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам ўз маърузаларидан бирида ички ишлар органлари жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини ҳақида алоҳида тўхталиб: “Халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз” [4].

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият-ижро этувчи тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши даркор. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди [2].

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий тенденциялар асосида ташкил этиш, глобал таҳдид ва хатарларга қарши ҳамкорликда курашиш, мазкур йўналишда илғор ёндашувларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашинувини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмлари амалиётга татбиқ этилди. Жиноятчиликни жилавлашда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз хонадон”, “Жиноятдан холи маҳалла” сингари концепциялар яратилди. Эндиликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш, ҳудудларда “Smart маҳалла” ахборот дастурини ишга тушириш, “профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат” ҳамда шахсларни профилактик ҳисобга олишнинг электрон тизимларини жорий этиш, “Хавфсиз таълим муассасаси” тамойили асосида фуқаролар орасида жиноятларнинг барвақт олдини олишни манзилли амалга ошириш кўзда тутилган. Жиноятчиликка қарши курашиш, ушбу иллатнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни чуқур ўрганишни тақозо этади. Маҳаллаларда жиноятчиликни жилавлаш, “илмий диагноз” қўйиш асосида мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш борасида самарали методикалар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6196-сон [Ф](#)фармони жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишларини илгари суриши

билан бирга, ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди [1].

Хусусан, унда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилишга доир энг энг долзарб масалаларнинг концептуал асослари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда фуқароларни турли кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида, жиноятларнинг барвақт олдини олишнинг самарадорлигини оширишга, уни ташкил этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек, давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда фуқаролар фаоллигини оширишга, қолаверса, аҳоли ўртасида ўзларини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилиш усул ва шакллари кенг тарғиб қилиш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонун нормалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашга масъул ваколатли органлардан бири ҳисобланади.

Энг муҳими, маҳаллаларда қулай шароитга эга ички ишлар органларининг таянч пунктлари янгича талаблар асосида ташкил этилиб, уларда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилганлиги ички ишлар органларининг ҳалқ билан ўзаро елкама-елка туриб, ҳамжиҳат бўлиб, амалда ҳамкорлик қилиш имконияти кенгайди. Бу ўзгаришлар ички ишлар идоралари барча соҳавий хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар негизидаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, давлат органлари, ички ишлар органларида ишлаётган ҳар бир раҳбардан тортиб оддий ходимгача ўз вазифасини виждонан, сидқидилдан бажариб, аҳоли тинчлиги ва омонлигини таъминлаб, ҳар қандай муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиши мақсадга мувофиқдир. Шак-шубҳасиз, бу иш одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, комил ишонч билан яшашларини кафолатлайди.

Бугунги кунда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилмоқда. Ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур

кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришилмоқда. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жинойий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган. Қасддан тан жароҳати етказиш, фирибгарлик ва йўл-транспорт ҳодисалари камаймаган. Демак, жиноятларни очиш борасида ҳам қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, ўғрилиқ ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештасидан биттаси фош этилмаган. Шу боис ҳам [Давлатимиз раҳбари 2017 йил 9 февралда](#) Ички ишлар органлари фаолияти тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишдаги маърузаси якунида таъкидлаганидек, [«Соҳада мавжуд вазиятни ўнглаш ва тизимли ташкил этиш борасида олдимизда жуда кўп вазифалар турибди. Хотиржамликка берилишга ҳеч қандай асос йўқ»](#) [3].

Дарҳақиқат, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни очиш фаолиятини жамоатчиликнинг, жумладан, жамоат ташкилотларининг кўмаги, ҳамкорлигисиз самарали ташкил этиб бўлмайди. Ушбу ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга, бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади. Зеро, республикамизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли орасида ички ишлар органларининг обрўси ва мавқеини кўтариш, кенг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ички ишлар органларининг [хўш](#) билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш, биринчидан, ушбу соҳадаги қонунчилик ижросини таъминлашда; иккинчидан, ички ишлар органлари фаолиятини янада самарали ташкил этишда; учинчидан, аҳолининг барча қатламларига бирдек профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун муҳимдир. Ички ишлар органларининг аҳоли билан ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уни ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўлами ҳамда ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар, чора-тадбирлар ва ҳал қилинадиган масалаларнинг серқирраллигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь [Қ](#)қонуни асосида ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан, электрон шаклда алмашишни, шунингдек, бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллаларда профилактик ҳисобга олинган ва илгари судланган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда, оила-турмуш доирасидаги

хуқуқбузарликлар профилактикасида ушбу тоифадаги шахсларнинг руҳияти ва ички кечинмаларини ўрганиш орқали уларга тегишли профилактик таъсир кўрсатиш борасида муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу эса шундай ҳолларда мутахассис психолог ёрдамига эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, замон талабларини инобатга олган вояга етмаганлар, илгари судланганлар, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар ўртасида, оила-турмуш доирасидаги ва бошқа хуқуқбузарликлар профилактикасини олиб боришда мутахассис-психологлари жалб этган ҳолда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир

Хулоса қилиб айтганда, халқ ишончини оқлаш ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқий фаоллиги ва адолат мезони бўлиб, унинг виждони, иймон-этиқоди, иродаси, зийрак-зукколиги, қатъияти ҳар қандай вазиятда қонун устуворлиги ва тартиб-интизомга таяниши – унинг обрўси, шон-у-шавкатини оширади, халқ эса ундан рози бўлади. Бундай омиллар ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, барча бўғиндаги раҳбарлар, шахсий таркиб раҳбарларига кеча-кундуздек аён бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 26.03.2021 йилдаги ПФ–6196-сон, Кучга кириш санаси 26.03.2021. Манба: ҚММБ, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

2. Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш: Маърузалар курси / А.А. Матчанов, Л.Ф. Исҳоқова, У.А. Қодиров; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А. Х. Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 115.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 340.

4. Шавкат Мирзиёев турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 07.12.2017).